

**ChEП «Toshkentvino kombinati» AJ**  
**акциядорлари дикқатига!**

ChEП «Toshkentvino kombinati» AJ Кузатув кенгашининг 2018 йил 14 июндаги мажлиси қарорига асосида акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши 2018 йил 27 июн куни соат 16:00 да ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

**УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:**

1. Жамият Санок комиссияси таркибини чекланмаган муддатга тасдиқлаш.
2. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йилда амалга оширган ишлари ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини эшитиш.
4. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган 2017 йил учун молиявий ҳисоботни ҳамда Халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2017 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш.
5. Жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, жамият йиллик Бизнес-режа бажарилиши ҳисоботи ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамиятнинг 2018 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
10. Жамият Бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини бир йил муддатга ўзайтириш.
11. Жамиятнинг 2018 йилги фаолиятини миллий ва халқаро аудиторлик стандартлари бўйича аудитор текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини ва уларнинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
12. Жамият акциядорлар (уларнинг қонуний ҳуқуқий ворислари ёхуд меросхўрлари) томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларини жамият фойдасига олиш.
13. Жамиятнинг тақсимланмаган фойдасини жамият Устав фондини кўпайтиришга йўналтириш.
14. Жамият эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
15. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.

**Жойлашган ери (почта манзили):** Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 45-уй.

**Электрон почта манзили:** tashvin@mail.ru

**Умумий йиғилиш ўтказиш жойи:** Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 45-уй.

**Акциядорларни рўйхатга олиш сана, вақти ва жойи:** 27.06.2018 й., 15:00 дан 16:00 гача, Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 45-уй.

**Бошқа маълумотлар:**

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар реестри 2018 йил 21 июн ҳолатига кўра шакллантирилади.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишига шахсини тасдиқловчи ҳужжат, вакиллари эса ишончнома (жисмоний шахслар учун - нотариал тартибда тасдиқланган) билан келишлари шарт.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 45-уй. Телефон: (371) 236-73-22, (371) 232-14-17.